

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>А.Йўлдашев</b> Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба .....	91
--	----

---

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>Ф.Орипжонова</b> А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув .....	95
<b>З.Қобилова, Э. Қобилова</b> Татабуда шакл ва мазмун .....	98
<b>З.Ж.Пардаева</b> Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи метафорикасида бадиий тафаккур фалсафаси талқини .....	101
<b>В.Аҳмедова</b> Тарихий драмада Амир Темур образи .....	105
<b>А.К.Абдурахмонов</b> Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир .....	109
<b>Г.Муҳаммаджонова</b> Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи .....	112
<b>О.Солиева</b> Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм) .....	117

---

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Н.Муродова</b> Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари .....	122
<b>Н.Чиниқулов</b> Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари .....	127
<b>М.Мамажонов</b> Антропонимлар дискурс релеванти сифатида .....	130
<b>Н.Т.Махмудова</b> Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати .....	133

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Р.Х.Максудов</b> Элнинг ардоқли шоири .....	137
<b>А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев</b> Асқар Қосимов шеърининг маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида .....	139
<b>А.Турдиев</b> Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм .....	141
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз фразеологизмларининг семантик таҳлили .....	145
<b>С.Усмонова</b> Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари .....	148
<b>Ж.М.Отажанов</b> Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари .....	152
<b>О.Хасанова</b> Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари .....	156
<b>Д.Қамбарова</b> Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари .....	160

---

ҚОНУН ВА ИЖРО

<b>А.Ўринов</b> “Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида .....	163
--	-----

УДК: 418

**ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИДА МУСАВВИР ОБРАЗИ**  
**ОБРАЗ ХУДОЖНИКА В УЗБЕКСКОЙ И МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЕ**  
**THE IMAGE OF AN ARTIST IN UZBEK AND WORLD LITERATURE**

**Г.Муҳаммаджонова**

**Аннотация**

Мақолада ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналаридаги мусаввир образининг бадиий-эстетик жиҳатлари тадқиқ этилади. Ижодкор шахс –мусаввирнинг эстетик идеал сифатида талқин этилиши, креатив фикрловчи шахс сифатида қаҳрамон руҳий-маънавий оламидаги ўзига хосликлар, инсон ва жамият муносабати масалалари қиёсий аспектда ўрганилади.

**Аннотация**

В статье исследуется художественно-эстетические аспекты образа художника в узбекской и мировой литературе. В сопоставительном Изучается интерпретация личности художника как эстетического идеала, своеобразии психологического и духовного мира героя как креативно мыслящей личности, проблемы отношений человека и общества.

**Annotation**

The article investigates artistic-aesthetic features of artist image in Uzbek and World literature. The interpretation of creative artist as an aesthetic ideal person, features of character's spiritual world as a creative person, issues of an individual and society are considered in comparative aspect. The image of an artist is investigated comparatively from the viewpoint of national literature peculiarities and certain historical period

**Таянч сўз ва иборалар:** эстетик идеал, мусаввир образи, руҳий-маънавий олам тасвири, психологик тасвир, давр ва қаҳрамон муаммоси, муаллиф ғоявий-бадиий нияти, муаллиф позицияси.

**Ключевые слова и выражения:** эстетический идеал, образ художника изображение психологического и духовного мира, психологический портрет, проблема эпохи и героя, идейно-художественная задумка, авторская позиция.

**Key words and word expressions:** Aesthetic ideal, the image of an artist, spiritual world description, psychological description, the problem of the age and character, the author's ideological-artistic intention, the author's position.

Ижод – бу, илоҳий тушунча. “Ижод гўзалликни яратиш ва гўзаллик унинг яралиш жараёнидир”, дея фикр билдиради ёзувчи Назар Эшонқул. Зеро, гўзаллик эстетиканинг ажралмас категориясидир. Эстетика эса, фалсафанинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади.

Ижод жараёни ўзи ғоят мураккаб, ижодкор дунёси эса ранг-баранг ва сирлидир. Санъат намунасини яратиш инсоният учун яхшилик туҳфа этиш деганидир. У санъат намунаси санъатнинг қайси турига мансуб бўлса ҳам. Шу жиҳатдан олганда, мусаввир ранглар воситасида янги олам яратиб, инсоният маънавияти, руҳиятига жиддий таъсир кўрсатувчи алоҳида шахсдир.

Мусаввирнинг ҳаёти жуда қизиқ, унинг характери ҳам мураккабдир. Ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятини ифодалашда айна жиҳатлар муаллифнинг эътиборини тортиши муқаррар. Унинг бадиий адабиётда пайдо бўлиши мумтоз адабиёт намуналарига бориб тақалади. Мазкур образ ёзма бадиий адабиётда аввал персонаж – ёрдамчи образ, эпизодик образ сифатида талқин этилган. Кейинчалик эса асосий қаҳрамон мавқеини эгаллади. Мусаввир образи бадиий адабиётда тарихий шахс ёки

фольклор ва мифлар таъсирида яратилган тўқима образ сифатида намоён бўлади.

Ўзбек ва жаҳон адабиётида ижодкор шахс образи жанридан қатъий назар, кўплаб ижод намуналарида учрайди. Хусусан, Ж.Жойснинг “Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили”, “Улисс”, А.Дюманинг “Асканио”, Ж.Лондоннинг “Мартин Иден”, С.Мозмнинг “Ой ва сариқ чақа”, М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, Ойбекнинг “Навоий”, О.Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” каби қатор асарларида ижодкор шахс характериға оид турфа қирралар ёрқин акс этади.

Бадиий адабиётда мусаввир образининг кўҳна тасвирлари Навоий ижодида кўринади. “Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асарида рассом Шопур образи комил инсон, истеъдодли санъаткор сифатида талқин этилади:

Хунар бобида устои замона,  
Замон ичра наққоши ягона.

Қалам аҳлига онинг тарҳи дастур,  
Жаҳон аҳли дебон отини Шопур” [1. 151].

Дўстлик ва содиқликнинг тенги йўқ тимсоли Шопур ўз санъати билан гўзаллик яратиш баробарида ҳаёт синовларида Фарҳодни қўллаб- қувватловчи садоқатли дўстига айланади.

Г.Муҳаммаджонова – ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Эркин Воҳидовнинг ҳажв дафтари туркумидаги қаҳрамонларнинг мақсади пок, нияти тоза, ҳар бир кишига қалби очиқ. Бу сифатларни шоирнинг “Донишқишлоқ латифалари” туркуми қаҳрамони – Матмуса образида ҳам кўришимиз мумкин. “Матмуса рассом” шеърда Матмуса кўчма музейдаги суратларни кўриб ҳайрон қолгани, уни абсурд санъатга тушунмаганлиги, бунга параллел равишда ўша даврдаги баъзи инсонлар дунёқарашидаги мубҳамлик, маънавияти, онгидаги оқсаш, шунинг баробарида ҳам санъатни, санъаткорликни даъво қилувчи оми инсонлар ҳажв қилинганини англаймиз. Ўз ғояси, мафкураси сингдирилган тузум маданият ва маърифатдан йироқ ҳолда бошқарилганини сезамиз. Масаланинг яна бир томони бор: санъат йўлига адашиб кириб қолган, асл санъатни мураккаблиликда, деб билган, оддий моҳиятни англаб етмаган санъаткорлар бу образ орқали ҳажв қилинади.

“Қаҳрамон, бу, – ижодий ниятлар, бадиий-фалсафий ғоялар қай тариқа, қанақа шаклларда ифодаланани” [2.13.], деган гап. “Асардаги қаҳрамонлар эстетик идеалнинг рангин қирраларини ёритишга хизмат қилади. Демак, ёзувчи ғоявий-бадиий ниятининг ифодасида, айниқса санъаткор образи ўзгача руҳ беради. Сюжет воқеалари қаҳрамон атрофида уюштирилиб, бошқа персонажлар у билан боғлиқ ҳолда асар воқелигига киритилади.

Назар Эшонкул асарларида ҳам бир қанча санъат вакили образлари гўёки бир-бирининг мантиқан давомига ўхшайди. Жумладан, “Маймун етаклаган одам” ҳикоясининг бош қаҳрамони рассом образи, “Тобут” ҳикоясининг бош қаҳрамони меъмор образининг мантиқий давоми, деб ҳам ўйлашимиз мумкин. Ёзувчи тасвир орқали икки ҳолатни бевосита боғлаб, ҳикоядаги образларини рамзлар орқали тасвирлайди.

Ёзувчи Назар Эшонкул асарларида рассом образига бир неча маротаба мурожаат қилинган бўлиб, “Рассом образи – бу, менингча, амалга ошмай қолган орзуларимдан бўлса керак. Рассом бўлишни кўп орзу қилганман. Кейин ички “мен”имни рассом образи орқали бериш ўзим учун қулай ва осон. Мен рассомнинг тасаввур дунёсига яқиндайман. Аслида, рассом – бу, менинг ўзим. Умуман, мен ўзимни ҳикояларимда файласуф, олим, рассом, бастакор, қадим кўшиқни айтувчи қиёфасида тез-тез тасаввур қилиб тураман”. [3.13.] – деб таъкидлайди.

Одатда рассомлар яшайдиган муҳит, хона тасвири тартибдан бир оз ҳоли

тасвирланади. Асарда ҳамма нарса сочилиб ётган, турли ранглар қоришиқ ҳолда тасвирланади. Бироқ ҳикоядаги тасвирда жамиятнинг чиркин муҳити, мусаввир чол руҳиятига, тафаккурига айнан мос пейзаж ва интерьер акс этади. Асардаги бу тасвирларнинг барчаси рамзийлик касб этади.

Рамзда ҳаётӣй воқеа, тушунча ва нарсалар бирон предмет, маълум воқеа-ҳодисаларнинг хусусиятлари орқали ифодаланар экан, унда доимо яширин ўхшатиш ётади. Демак, ҳикоянинг ўзига хос тилини, унда яширинган рамзий тасвирни тўғри англамай туриб, уни тушуниш, асарда яширинган теран фалсафий мазмунни англаб етиш қийин бўлади. Ҳикоядаги бадбўй ҳидлар тасвирида ҳам теран фалсафий талқин мавжуд.

Бадиий адабиётдаги мусаввир образи тарихий ёки бадиий тўқима, асосий қаҳрамон ёки эпизодик образ эканлиги, энг асосийси, ҳаёт фалсафасини турлича идрок этиши билан фарқланса-да, яратувчанлик, курашувчанлик, исёнкор туйғулар, мураккаб тақдирлилик, руҳан покланиш – катарсис сари етаклаши каби жиҳатлари билан муштараклик касб этади.

Ижодкор шахс образини талқин этишда ёзувчи Омон Мухтор ижоди янгича тасвир усулларини кашф эта олганлиги билан аҳамиятлидир. У яратган Навоий тимсоли бошқа ижодкорлар яратган тимсоллардан тубдан фарқ қилади. Ёзувчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида сазовор бўлган “Навоий ва рассом Абулхайр” роман-диалогияси “Ишқ аҳли” ва “Буюк фаррош” номли иккита китобдан иборат. Профессор Й.Солижонов бу асарни “Ойбекдан кейин улуғ Алишер Навоийнинг монументал қиёфасини яратиш йўлидаги буюк жасоратдир” [4.54.], дея баҳолайди.

Дарҳақиқат, асарда тарихий шахс сиймоси ўзгача йўналишда талқин этилади. Ойбекнинг “Навоий” романида Навоий сиёсий арбоб, бунёдкор шахс, инсон сифатида воқеликлар силсиласида талқин этилса, Омон Мухтор Навоийнинг ижодкор сифатидаги сиймосини, мураккаб руҳий-маънавий оламини ижодий асарлари асосида очиб беришга эътибор қаратади. Яъни, унинг ижодий олами, буюк инсон сифатидаги фазилатларини ҳайрат ва ҳавас билан кашф этади. Қисқаси, асарда ижтимоий воқелиқдан келиб чиқиб, ижодкор шахс ўзлигини кашф этиш эмас, ижодкорнинг асарлари, ундаги ғоялар орқали Навоийни англаш тамойили сари борилади.

Асар алоҳида сюжет линиясига эга эмас. Асардаги образлар ҳам санокли. Воқеликнинг содир бўлиш ўрни ҳам насрий асарлар,

хусусан, реалистик асарлар хусусиятларига зид нисбий. Романда насрий ва лирик асар хусусиятлари уйғунлашиб кетган. Асар ровий баёнига асосланган бўлса-да, лирик кечинма билан суғорилган ўринлар бисёр. Баёнда тарих – Навоий замони воқеликлари билан бугунги кун нафаси қоришиб кетган.

Рассом Аблхайр – ижодкор. У ижод аҳлидан бўлган Навоий сиймосини яратмоқчи. Аммо Навоий суратини яратмоқ аввалида ўзи учун Навоийни кашф этиши керак. У тарихий факт-маълумотларга таяниб эмас, Навоий асарларидаги гоё ва ҳиссий кечинмалар асосида Навоийни англаш йўлидан боради. Асарнинг баён услуби ҳам шунга хос ҳислар сингари бетизгин. Абулхайр гоҳ Навоий лирикасидаги образлар қиёсига, гоҳ афсона ва ривоятлар билан йўғрилган маълумотларга, гоҳ тарихий фактларга мурожаат қилади, бугуннинг воқеликлари, мушоҳадаси билан синтез қилади.

Асарда асосий қаҳрамон қиёфасини мукамал яратишда, туйғулар тафтини аниқ беришда эпистоляр услубдан самарали фойдаланилади. Мактублар 4 та бўлиб, Одилнинг Барнога (Орзу, Ҳайрат, Армон) 3та мактуби, Одилнинг Холидга мактубларидан иборат. Биринчи роман композицияси Абулхайрнинг 5 та дафтардаги битиклари ва мактублардан иборат. 2-китоб “Ёзуқ” ва “Туфроқ” деб номланувчи боблардан иборат бўлиб, рассомнинг эсдаликлари тарзида битилган. Бу, рамзий маънода тақдир, туғилиш ва умрни яшаб, яна ЎЗИга қайтишдир.

Асар баёни ички монолог – рассомнинг ўз-ўзига сўзлаганлари, ўй- тафаккурида кечган ва кечаётган туйғулар сифатида тузилган. Зеро, Навоий “У – бир Осмон, у – бир уммон, Қамраш қийин!” Бу қамраш, қийинлик баён услубидан ҳам яққол акс этиб туради. “Одатда, ҳар қандай одамни (буюк инсонни ҳам!) рассом ўз даражасида чизади.” Рассом катта жасорат – Навоийнинг қиёфасини яратишдан аввал ўзи маълум даражада унга қараб кўтарилиши лозимлигини ҳис этади. Бир оз бўлса-да, бу вазифага муносиб бўлишга ўзига ички бир масъулият сезади. Бу, ижодкорларга хос ўзидан қониқмаслик ҳиссидир.

Асарда ижодкор шахс камолотининг тадрижи Абулхайрга берилган тавсифда яққол намоён бўлади. “Абулхайр бир пайтлар эски шаҳар кўчалари, кунгурали деворлари, *ҳалқали эшикларини* чизиб юрган. Ўшанда баъзан *табиат манзараларига* ҳам мурожаат қилган. Кейинчалик *инсонга* юз бурган. Ҳар хил кишилар расмини (портретини) ишлашга қизиққан. Булар орасида бир неча *ўз қиёфаси*

тасвири (автопортрет) ҳам учрайди. *Дунёми, ўзи устиданми кулиб турган тасвир* унга анча шуҳрат келтирган” [5.6.].

Эшик – янги манзил, сир-синоат сари йўл, ижодкорнинг изланиш босқичи. Ҳалққа эшикни очишга кўмаклашувчи восита, шунингдек, тараддуд ва ижозат маъносини ҳам беради. Ижод йўли бошида турган ижодкорнинг руҳий ҳолатига монанд тасвир. Кейин табиат, борлиқ, оламни ҳайрат нигоҳи ила кашф этиш. Ундан сўнг инсонни англашга интилиш – бу, ўзликни англаш сари ташлаган муносиб қадам. Ўзликни англашга етишган инсон учун эса “дунёми, ўзи устидан кулиб туриб” билдирилган муносабат таниш тасвир. Бундай ҳолат Навоий асарларида кўп бор учрайди.

“Алишернинг “лой”и осойишта кўркам яшаб кетадиган “тупроқ”дан олинмаган. Унинг манглайига даҳо бўлиши учун аввалдан фожиа муҳри босилган!” Абулхайр асар давомида ана шу даҳолик сифатларини англашга, Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижодида унга хос ташқи осойишталик ва ички зиддият сабабларини, фожиа муҳрининг илдизларини излашга уринади.

Роман – дилогиянинг “Буюк фаррош” қисми яна бир ўзгача усулда ёзилган. Унда ўрни билан рассом Абулхайрнинг Шаҳрияга мактуб сифатидаги мурожаатига ўрин берилади. Эсдалик тариқасида битилган изҳорларда рассом ва Навоийнинг туйғулари қоришиб кетгандек. Абулхайр ўз ҳаёт йўлини, олам англамини шу асосда таҳлил қилади. Дилогиянинг 1- китоби Навоийни англаш сари ташланган қадам, 2-китоб Навоийни англаш, унинг нигоҳида оламни идрок этиш босқичи, инсон қалби, руҳий дунёсидаги эврилиш ҳосиладир.

Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдамов «Турфа ранглар уйғунлиги» номли мақоласида ёзади: «Агар қаҳрамон ҳаёти танлаб олинган ранг орқалигина олинар экан, унда шу рангга алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда, қолганларига ҳам йўл беришга тўғри келади. Токи, ўқувчи кўрсинки, асар қаҳрамони атрофида турфа хил ранглар бор эди, бироқ тақдир уни шундай гирдобларга отдики, оқибат унинг кўзлари, масалан, қорадан ўзгасини англамай қолди. Қолаверса, инсоннинг ҳаёти бошдан охир зулматнинг ичида кечса-да, унинг орзулари кўпинча ёруғ бўлади» [6.2.].

Омон Мухтор мазкур асарда рассом Абулхайр образини ҳам, Навоийни ҳам оқ ва ёруғ ранглар ила беради. Бу оқлик, ёруғлик рассомнинг кўнгли, қалби, орзулари, мақсадлари каби ёруғ эди. Назар Эшонқул

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

яратган рассомдан фарқли ўлароқ, Абулхайр исмига мос ҳайрли маслаклар, эзгу ишлар илинжидаги одам. Бу, унинг яшаш муҳитида ҳам, диалог, монологларида, оламни, Навоийни англашида ҳам яққол кўринади.

Муаллиф етказмоқчи бўлган ғоявий-бадий юк ижодкор шахс образининг зиммасида ўзгача ифода топади. Кузатишлардан кўринадик, бундай асарларнинг асосий қисмида ижодкор шахс образи воситасида муаллиф “мен”и акс этиб, автобиографик хусусият касб этади. Муайян қисмида эса ҳаётда яшаб ўтган тарихий шахс – ижодкорнинг руҳий ва маънавий дунёси ёритиб берилади.

Ж.Жойс ва У.Моэм ижодида ҳам ижодкор, мусаввир образи кенг талқин этилган. Бу, уларнинг мусиқа ва санъатга бўлган чексиз муҳаббати самарасидир. “Артист, рассом, шоир ёки созанда ўзининг кўтаринки ва улуғвор санъати билан эстетик туйғунинг эҳтиёжини қондиради. Унинг сири бамисоли саргузашт романларидай кишини ўзига тартади. Бу худди коинот сирларидай англаб бўлмас жумбоқдир”[7.34]. Моэм ижодий фаолиятида англаб бўлмас жумбоқнинг сирини очишга, моҳиятан англашга интилади.

Жамиятдан норозилик, ўз даврида қадр топмаган истеъдод, эрка интилиш, қийин турмуш тарзи, инсонлардаги турланишларнинг моҳиятини англаш йўлидаги изтироблар ижодкор шахс образи тасвиридаги муштаракликдир. Аммо ҳар бир талқин муайян ижодкорлар тақдирида ўзига хос ифодаланган. Бунда шоир, ёзувчи, мусаввир, мусиқачи, раққосаларнинг санъаткорона ички дунёси, характерида оид сифатлар акс этади

Моэм тасвирлаган рассом Чарлз Стрикленд образи бошқа рассомлардан кескин фарқланмайди. Рассом ва унинг характерида оид тафсилотлар муаллиф томонидан, шунингдек, санъаткор позициясидан аниқ-тиниқ ифодаланган. “Санъатга хунар, деб қараш, уни фақат хунарманд одамларгина тушунади, дейиш тамомила хатодир. Санъат туйғуларни намойиш этиш шакли, туйғу эса ҳамма тушунадиган тилда ифодаланган”. Ушбу фикрлар муаллиф Моэмнинг санъатга нисбатан концептуал ёндашувидир.

Асар муаллиф тилидан баён этилади ва моҳир мусаввир сийрати сўз санъатига дохил шахс – ёзувчи, публицист, умуман, ижодкор томонидан кашф этилади. Ушбу роман асосан тавсифий характерда ёзилган.

Ж.Жойснинг “Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили” асари асосий қаҳрамони Стивен Дедалус муаллифнинг болалиқдаги энг яқин

дўсти образидир. Умуман, бу образ Жойс ижодида алоҳида ўрин тутди. Болалиққа эҳтиром ва соғинч маҳсули сифатида яратилган ушбу образ “Улисс” романида ҳам асосий қаҳрамонлардан бири сифатида учрайди. Биринчи асарда бола, ўспирин ижодкор тасвирланса, “Улисс”да ақлан анча тўлишган, ҳаёт ҳақида ўз фикр ва фалсафасига эга, ўз даврида қадр топмаган мусаввир образи намойён бўлади. “Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили” асарида ижодкор ўспириннинг борлиқ, мавжуд ижтимоий муҳитни қабул қилиш тарзи, жамиятдаги вазиятларга муносабати, муайян муҳитда шаклланган онг ва унда ўзликни англаш масалалари чуқур психологик таҳлиллар асосида очиб берилади. Ушбу асарда муаллиф тавсифидан кўра асар қаҳрамонининг фикрлари, ўй-хаёллари, кечинмалари ички монологлар орқали берилади. Яъни, ижодкор сийрати бевосита мусаввирнинг ўз нутқи орқали яралади.

Жойснинг мазкур икки асари ичида шеър ва кўшиқлар, сўз санъатининг бошқа намуналарига, парчаларга мурожаат кенг ўрин тутди. Улар чуқур фалсафий фикр ифодаси, мажозийлик ва рамзийликка ҳам хизмат қилган, шунингдек, модернизмга хос турланган баён услубини, ранг-барангликни юзага келтирган. Моэм романида эса бундай мурожаат етакчи ўрин тутмайди. Унда муаллифнинг санъат ва санъаткор ҳақидаги, санъаткорнинг руҳий олами хусусидаги қарашлари етакчи ўрин тутди[8.].

Жаҳон адабиётида ҳаётлик даврида ўзи ва истеъдоди қадрланмаган, ўз жамиятига сиғмаган буюк шахслар тимсоли кўп тасвирланади. Бу, гўёки жаҳон адабиёти образ яратиш мактабида анъанага айланиб қолган. Моэмнинг Стрикленд образи ҳам ана шу анъанага издошлик асосида яратилган, дейиш мумкин.

Рассом, ижодкор шахс сифатида Стрикленд бир хил, бир маромдаги ҳаётда яшашга кўнмасди. Чунки унинг ичига, асардаги таъбир бўйича, “шайтон кириб олган”ди. Аниқроғи, буюк бир истеъдод тўфон янглиғ уни турли ҳолатларга солиб кўрарди.

Асарда рассом ҳаётига оид ҳаёт тарзи, рассом хонасининг интерьерлари, ранг ва ёруғлик тасвирларига кенг ўрин берилган. Буларнинг барчаси рассом дунёқарашини, руҳий дунёсини тасвирлашда муҳим ўрин тутган.

Муаллиф ҳар бир чизгида, ҳар бир тасвирда рассомнинг ўзига хос мураккаб дунёсини теран ифодалаб беришга интилади. Ҳатто ранглар жилоси, хусусиятини ҳам туйғулар, хотиралар билан боғлаб рассом

нигоҳидан акс эттиради. Мазкур уринишлар натижасида бадий синтез – сўз санъати ва тасвирий санъат уйғунлигидаги тасвирлар яралади. Бу эса муаллифнинг бадий маҳоратини намоён этади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бадий адабиётда санъаткор характерини яратиш масаласи кўп йиллик тажрибаларга бориб тақалади. Рассом характерининг мураккаб ва қизиқ табиати муаллифларнинг бадий маҳорати самараси ўлароқ ўзининг гўзал ифодасини топган. Аксар асарларда рассом образи эстетик идеал сифатида талқин этилган ва ёзувчининг мусаввир ҳақидаги ғоявий-фалсафий қарашларини ифодалашга хизмат қилган.

Жаҳон адабиётида дарбадар рассом образи муаллифларнинг ғоявий-бадий

ниятини ёрқин ифодалаб бера олувчи мураккаб образдир. Айни шу жиҳатига кўра ҳам мазкур образ ёзувчилар эътиборини торта олади. Шунингдек, бу тасвирларда ёзувчилар муайян даражада ўзлигини, ўз ҳиссий оламини, тақдирини кўради.

Ёзма адабиёт намуналарида баъзан персонаж, баъзан асосий қаҳрамон сифатида тасвирланган мусаввир образида ички монологлар, диалоглар, интерьер ва пейзаж тасвирлари орқали муаллифнинг субъектив қарашлари, позицияси, ўзлиги теран ифодаланади. Сўнгги йиллар адабиётида бу образга кенг мурожаат этилиши инсон руҳий оламининг рангин қатламларини кашф этишда муҳим роль ўйнаши билан характерланади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий А. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Т., F.Фуллом номидаги нашр, 2006
2. Do`stmuhammad X. Ijod - ko`ngil munavvarligi. Т., 2011.
3. Эшонқул Назар. Мендан «мен»гача. Т., Академнашр, 2014.
4. Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. Т., «Адиб», 2013.
5. Мухтор Омон. Навоий ва рассом Абулхайр. Т., Шарқ, 2006.
6. Ҳамдам У. Турфа ранглар уйғунлиги //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2000. 29-сентябрь
7. Мозм С. Ой ва сариқ чақа // Жаҳон адабиёти. 2012. 2 сон.
8. Жойс Ж. Мусаввирнинг ёшлиқдаги шамойили. Т., 2012.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).